



Бажарувчи ташкилот танлаб олиш учун танлов ҳужжатлари.

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Танлов предмети: Фарфор идиш товоқлар харид қилиш учун.

1.2. Танлов охирги қиймати - **15 255 000 (Ўн беш миллион икки юз эллик беш минг)** сум (ККС билан), Ушбу қийматдап ортик қийматдаги таклифлар қабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3.Бажариладиган иш турларни техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова килинган,

Ушбу танлов якуплари буйнча голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 05 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Самарқанд вилояти ИИБ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Самарқанд шаҳар Бустонсарой кучаси 89 уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов2.1. Самарқанд вилояти ИИБ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катый назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эта булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предмети кийматипи камиди 50 фоизи микдоридаги айланма маблағдарининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукукий лаекат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда);

Низом маблати мулкдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчиларуз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ қўрсаткичлар қўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартриш қилиш ҳуқуқига эга.

4. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ ЎЗАЙТИРИШ

5.1. Харид қўмиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааллуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яъни 5- календар кўнга ўзайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини ўзайтирилиши фақат харид қўмиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддати ўзайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида

жойлаштирилиши лозим.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШКАШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утқазиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин қелиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни қуриб қикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб қикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришлари тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бу идай суров қелиб тушган санадан эътиборан у ч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тсғишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қурсатилган шартлар асосида тузилади

Ҳайъат комиссияси қотиби



М.Х.Эрдонов